



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Ҳазрати Бобур –
жаҳон тарихида
камдан-кам учрайдиган
шундай беназир, улуғ
зотки, унинг шарафига
нафақат кўча ва
майдонлар, боғу роғлар,
балки алоҳида шаҳар бунёд
этак, албатта арзийди.

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ФАХР

ВАТАНИГА ҚАЙТМИШ ҲАЗРАТИ Бобур...

Оз эмас, кўп эмас, қарийб беш
ярим асрдан сўнг Ўзбекистон
Республикаси Президенти Шавкат
Мирзиёев таъбири билан айтганда,
“Темурийлар Ренессансининг
муносиб давомчиси, илм-фан,
маданият, санъат ва адабиёт, истеъ-
дод ҳомийси бўлган буюк шахс” –
Заҳириддин Муҳаммад Бобур рамзий
маънода айтадиган бўлсак, ота юрти,
она Ватани Ўзбекистонга қайтди!

Неча асрларки, тарих саҳифала-
рида номи гоҳи қора буёқларда, гоҳи
ёруғ рангларда тасвирланган улуғ
бобокалонимиз ҳақида билганимиз-
дан кўра билмаган маълумотлар шу
даражада кўп эди ва бугун фахр
билан айтмоққа ҳақлимиз: жаҳон
тамаддунида ўчмас из қолдирган
бетақрор сиймолардан бири
шак-шубҳасиз Заҳириддин
Муҳаммад Бобурдир. Албатта, тарих
хукми бешафқат ва унинг қатларига
битилмиш ёзуқларни на ўзгартириш
мумкин, на-да ортга қайтариш...



Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг...
Заҳириддин Муҳаммад Бобур



Таъзим сизга, Ватан шарафин
улуғлаган ўғлонлар!

ИШОНЧЛИ ВА МУНОСИБ ВОРИСЛАР КЕЛЯПТИ!

КЕЧА О'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИГА
САЙЛОВДА ПАРТИЯДАН ИШТИРОК ЭТАЁТГАН 137 НАФАР НОМЗОДЛАРНИ СИНОВДАН
ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда
ёшлар овозини эшитиш, уларнинг
ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва
сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш
мақсадида ташкил этилган Ёшлар
парламенти йигит-қизларимизда катта
қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилнинг 6 март куни О'ZLiDeP Сиёсий Кен-
гаши Ижроия қўмитаси ва сиёсий кучнинг Олий Маж-
лис Қонунчилик палатасидаги фракцияси кенгайтирил-
ган йиғилишида Ёшлар парламентида сайлов ўтказиш
тартибини белгиловчи Низом тасдиқланиб, жараён-
нинг биринчи босқичи 20 мартдан 2 апрелга қадар да-
вом этди. Шу муддат ичида жами 5 482 нафар ёшлар
парламент аъзолигига номзодликка ҳужжат топширди.
Саралашнинг ҳудудий босқичлари ҳолис ва адолатли
ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Ҳар
бир номзод сиёсий ва ҳуқуқий билимлари, партия та-
рихи ва вазифалари бўйича хабардорлиги, сайловолди
лойиҳаси, ёшларга оид қонунчилик тақлифлари каби
мезонлар бўйича 100 баллик тизимда баҳоланди. Ниҳо-
ят энг юқори балл тўплаган 137 нафар номзод респуб-
лика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди.

Олдинда эса мураккаб ва машаққатли синовлар
турибди...

О'ZLiDeP матбуот хизмати

Газетамизнинг кейинги сонларида ушбу сиёсий
синовлар тафсилотлари атрофлича ёритилади.



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК

РЕСУРСЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ВА ТАВАККАЛЧИЛИК ЖАРАЁНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан “Давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзuida республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда O‘zLiDePдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Улар таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, логистика, транспорт, саноат, уй-жой коммунал ҳўжалиги ва бошқа соҳалардаги давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини самарадорлигини янада ошириш, бу борадаги қонунчиликни бундан-да такомиллаштириш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш чораларини қўриш масалаларини муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, ДХШ лойиҳаларининг мақсади – уларнинг сифати ва жозибадорлигини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, самарали ва иқтисодий тарзда амалга ошириш асосий мудоао ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилиб, автомобиль йўллари, электр станциялари, аэропорт, темир йўл вокзаллари, боғча, таълим ва тиббиёт муассасалари қурилмоқда. Хусусий секторнинг тажриба ва ресурсларидан фойдаланган ҳолда ҳукумат муҳим инфратузилма ва хизматларни етказиб беришни такомиллаштирмоқда. Шу билан бирга, хавфларни бўлишиб, ўсиш учун янги имкониятлар яратмоқда. Эътибор беринг, 2025 йилда Ўзбекистонда 1 100 дан ортиқ шундай лойиҳалар ташкил этилган: энергетика – 61 та, таълим – 142 та, экология соҳасида – 67 та, ижтимоий объектларни иситиш – 175 та, соғлиқни сақлаш – 57 та, сув таъминоти – 493 та, маданият соҳасида – 54 та ва иқтисодиётнинг бошқа секторларида 51 та лойиҳа амалга оширилган.



2022-2026 йилларда умумий қиймати 29 млрд долларга тенг ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида бу истиқболли лойиҳа барқарор ривожланиш учун инвестиция эҳтиёжларининг ярмидан кўпини қоплади. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, 2030 йилгача 30 миллиард доллар ДХШ доирасидаги инвестицияларни жалб



қилиш режалаштирилган. Лойиҳалар Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислон тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки каби халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қилинади.

Конференция иштирокчилари учта сессияга бўлинган ҳолда соҳага доир мавзуларда муҳокамалар олиб боришди.

“Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишнинг долзарб масалалари ва инвестицияларни жалб қилиш: қонунчилик ва норматив тартибга солиш” мавзuidaги 1-сессияда қайд этилганидек, O‘zLiDeP иқтисодий йўналишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, сув ҳўжалиги, экология ва энергетика соҳаларидаги ДХШ лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватламоқда. Депутатлик корпуси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Оролбўйида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни фавол тарғиб қилимоқда. ДХШ асосида транспорт, йўл қурилиши ва сув ҳўжалиги каби устувор йўналишларга 14 млрд доллар жалб қилиш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Бу механизмларни ирригация, сув чиқариш тизимларини бошқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш, ижтимоий соҳа объектларига энергия ва иссиқлик таъминотига кенг жорий қилиш қўллаб-қувватланмоқда. Сув секторида аутсорсинг йўналишида ҳам ДХШ тамойилларини жорий этиш муҳимлиги партия фаоллари томонидан алоҳида қайд этилди.

Анжуманда партиянинг ДХШни ривожлантириш бўйича ютуқлари ҳам маълум қилинди. O‘zLiDeP парламент кўйил палатасидаги фракция аъзолари томонидан Наманган вилоятида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича эшитувлар ўтказилган, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган 8 та депутатлик сўрови юборилган.

“Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий бизнеснинг институционал-ташқилий альянси” мавзuidaги 2-сессия йиғилишида экспертлар, мутахассислар ва O‘zLiDeP фракцияси аъзолари мамлакатимизнинг устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ДХШ лойиҳаларини самарали амалга оширилишини таъминлаш масалаларини муҳокама қилишди. Хусусан, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича стратегик вазифаларнинг амалий ечимларини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари, талаб ва тавсиялари шулар жумласидандир. Сўзга чиққан-

лар қайд этганидек, мактабгача таълимга юқори эҳтиёж бўлган ижтимоий соҳада биринчи навбатда давлат-хусусий шериклик ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланади.

“Иқтисодиётнинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини такомиллаштириш” номли 3-сессияда эса Президентимиз томонидан ДХШни ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларнинг аҳамияти муҳокама қилинди. Иштирокчилар Ўзбекистонда ДХШнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш бўйича режалар, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ўрни, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатларини кўриб чиқишди.



Акром АЛИМОВ,
Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори:

– 2025 йил 28 февраль куни Президентимиз ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали ташкил қилишга оид тақдимот билан танишиб, бундай шериклик юртимиз ижтимоий соҳаларида керакли натижалар бераётганини таъкидлади. Шунингдек, ижтимоий соҳадаги вазирликлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

ДХШ давлат секторига хизматлар кўрсатиш, объектларни эксплуатация қилиш, режалаштириш, бажариш ва молиялаштиришнинг таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Унинг муҳим хусусияти – хизматларни таъминлаш ва тақдим қилишнинг узок мuddатлилиги ҳамда таваккалчиликларни хусусий секторга ўтказиш ҳисобланади. Ҳокимият ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг энг оддий қўриқчидаги схемаси қуйидагича: давлат ижтимоий инфратузилма объектлари (масалан, клиника, йўл, боғча, мактаб ва ҳқ.)



қуриш ёки модернизация қилишни режалаштираётганини эълон қилади ва тендерда иштирок этиш учун сармоядорларни таклиф этади. Танловда ғолиб бўлган хусусий компания лойиҳани молиялаштиради (капитални жалб қилади), иншоотни қуради (ёки модернизация қилади) ва бутун ҳаётий цикл давомида ушбу объектни бошқаради. Яқунда эса давлат ва хусусий компания ўртасида тузилган шартнома шартларига кўра, объект ёки давлатга топширилади ёки хусусий компания қўлида қолади. Давлат ўз навбатида, хусусий шерикнинг барча харажатлари, кредит фоизлари ва даромадларини ўз ичига олган ойлик унитар тўловларни амалга оширади.



Хусан ЯРҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб этишнинг самарали воситаларидан бири жаҳоннинг ривожланган давлатларида кенг қўлланилиб келинаётган давлат-хусусий шерикликдир. Шунинг учун ҳам ушбу масала Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва ушбу фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури”да ўз ифодасини топди ҳамда 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Давлат-хусусий шерикликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос янги воқелиқдир. Лекин ДХШ тушунчаси, моҳияти ва мазмуни, лойиҳалари, уларни реализация қилиш усуллари ва йўллари борасида ҳуқуқшуносларда муайян тасаввур тўлиқ шаклланиб улгурмаган. Шу боис унинг юридик таърифини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига киритиш, муайян фаолият турига шу асосда баҳо бериш муҳимдир. Бунда ДХШни хусусий инвестицияни жалб этиш воситаси, давлат ва хусусий шерикларнинг муайян фаолият турини биргаликда олиб бориш усули, таваккалчиликнинг турли хавфларини ўзаро тақсимланиши ҳамда ишлаб чиқариш воситалари ва ускулаларини тақсимлаш шакли эканлиги – иқтисодий омиллар ҳисобланса, ушбу жараёнларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш – ҳуқуқий механизм саналади. Шу сабабли ушбу жараёнларда шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш асосий восита бўлиши зарур.

Масалан, Буюк Британия, Германия, АҚШда таваккалчилик хавфи анча паст. Чунки бу мамлакатларда давлат хусусий шериклик муносабатлари бир неча юз йиллардан буён қўлланилади.

Ўзбекистон ҳуқуқшунослиги учун янгилик бўлган давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солиш асослари ишлаб чиқишда шартномавий ҳуқуқий тартибга солишга асосий эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, хусусий шерик ДХШ муносабатларида ўз ҳуқуқларининг кафолатлангани ҳамда манфаатлари таъминланганини ўзи

билан тузилган шартномаларда кўради. Бу борада тузилаётган шартномаларнинг барқарорлиги, хусусий шерикка тақдим этилган кафолатлар муайян мuddат мобайнида ўзгаришсиз қолиши каби қоидалар қонунчиликда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ.



Шерзод МУХТОРОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги инвестиция бўлими бошлиғи:

– Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўз структурасидаги 65 та касбий кўникмалар марказларини ҳамда вазирлик тасарруфидаги бошқа бинолар (иншоотларни) ёки уларнинг бир қисmini жиҳозлари билан бирга уларда касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш курсларини ҳамда дуал таълим ташкил қилиш шарти билан иш берувчиларни ва таълим ташкилотларини жалб қилмоқда. Бунда, хусусий инвесторларни соҳада етарли тажрибага эга маҳаллий ва хорижий ташкилот эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Самарасиз фойдаланилаётган кунлик меҳнат марказларининг бино-иншоотлари негизда ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигига кўмаклашиш мақсадида хизмат кўрсатиш объектлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил этилади. Бунда камида 500 нафар ишсиз аҳолининг доимий бандлиги таъминланади.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежи негизда бренд-менежер, стартап-менежер, рақамли маркетинг, видеограф-мобилограф, анимация ва график дизайнери, ландшафт, интерьер ва ишлаб чиқариш дизайнери, модельер-дизайнер ҳамда IT каби 32 турдаги креатив соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ экспресс курслар ташкил этилади. 300 та тадбиркорлик субъектининг инновацион ва стартап лойиҳалари амалга оширилади ва 1,8 мингта янги иш ўрни яратилади. Креатив тадбиркорликни бошлаш ва кластер иштирокчиларига барча зарур хизматларни кўрсатиш бўйича яхлит экотизим (ўқув, малакани баҳолаш ва коворкинг марказлари, офис майдонлари, кўрғазма зали) яратилади.




Фарҳоджон УМАРОВ,
Спорт вазирлиги маркетинг, аутсорсинг ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси:

– Спорт соҳасида ҳам давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жадаллик билан амалга ошириб келинмоқда. 2023-2024 йиллар давомида спорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорлик субъектлари тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадида қарийб ўнга яқин давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилган. Долзарблиги ҳамда уларни амалга оширишдан вазилаётган имтиёзларни инобатга олган ҳолда Спорт тартилиги ҳам 2025 йилда ўз олдида 50 дан зиёд давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 февралдаги йиғилишда спорт соҳасида Тошкент шаҳрида 5 та ва ҳар бир вилоятлар кесимида 1 тадан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш топшириғи берилгани ҳам бежиз эмас. Бундай лойиҳаларда маълум бир вақтларда келишилган ҳолда спорт объектидан ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган ҳамда ногиронлиги бор оилалар фарзандларига ҳамда спорт мусобақалари учун бепул фойдаланиш ташкил этилади.

Анжуман якунлари бўйича иштирокчилар, экспертлар ва олимлар томонидан ДХШ лойиҳалари самарадорлигини ошириш бўйича илгари сурилган тавсия ва ташаббуслар тўпланди. Ушбу тавсиялар Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини янада самарали амалга оширишда асқотиши аниқ.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.



ВАТАНИГА ҚАЙТМИШ ҲАЗРАТИ Бобур...

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари ҳудудлар ривож, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди. Мамлакат миқёсида аҳоли энг зич жойлашган ва яшайдиган ушбу ҳудудда олиб борилаётган ислохотларни обдон кўздан кечирди. Маълумки, шахсан юртбошимиз тақлифи билан 2021 йилда бу ҳудудда янги шаҳар қурилиши бошланган эди. Навбатдаги ташриф доирасида Президент белгиланган истиқболли лойиҳаларнинг илк натижалари билан танишди.

Гувоҳи бўлганимиздек, янги шаҳар Андижон туманидаги адирликмад, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда барпо этилмоқда. Қурилиш саккиз босқичда режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 1 минг 770 та хонадонли 63 та уй фойдаланишга топширилган. Шунингдек, 1

зам Бобур шаҳри ҳам мағрур янграб турса, юраклар ҳаприқмайдими, қалблар ифтихорга тўлмайдими, айтинг!

Юрт эгаси фахрланиб таъриф берганидек, “Ишончим комил, бу ташаббус ҳар томонлама халқимизнинг кўнглидаги иш бўлади. Нега деганда, ҳазрати Бобур – жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай беназир, улуғ зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роғлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта арзийди.

Нега деганда, Бобур Мирзо – Темурийлар Ренессансининг муносиб давомчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, истеъдод ҳомийси бўлган буюк шахсдир.

Унинг ёшлик пайтларидан юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш учун олиб борган курашлари, бу йўлда кўрсатган мардлик ва жасорати фидойилик ва ватанпарварлик мактабидир.

насиб этди. Лекин даҳо заковати ва илоҳий қалами билан у оламнинг тенгсиз адабий ва илмий мўъжизаларини яратмоқликка мушарраф бўлди.

Зотан унинг муаллими ҳам, мураббийи ҳам шу бешафқат Ҳаёт эди”...

Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Ўттиз йилдан ошибдики, Бобур подшоҳ ва бобурийлар қолдирган илмий-маънавий меросини излаб топиш, уларнинг нусхаларини Ватанга қайтариш йўлида фонд вакиллари тинмай изланмоқда, меҳнат қилмоқда. Мақсадли ҳаракатлар, олиб борилган ўрганишлар, тадқиқотлар натижасида 50 дан зиёд китоблар, Заҳириддин Муҳам-



Ғайрат МАЖИД

БОБУР МИРЗО ДАВЛАТИ

Азал-азал дунёда, ҳарбу жанглар кўп бўлган, Музаффар бўлган бисёр, ҳоли танглар кўп бўлган, Оқ ниятли дилларда оппоқ ранглар кўп бўлган, Бобурнинг адолати, нусрати – “Бобурнома”.

Мени мафтун айлади бир салобат, бир виқор, Покиза юрагимда ошиқларнинг оҳи бор, Раббим, ғариб кўнглини яхшилик сори бошқор, Бобурнинг шижоати, ғайрати – “Бобурнома”.

Қанча шох, султон ўтган, на бир қутлуғ шон топган, Шон топмагани майли, на тоза иймон топган, На фидо бўлган элга, на фидойи жон топган, Бобурнинг изтироби, ҳасрати – “Бобурнома”.

Рухнинг тоза иқрори – май тўла жомлар чил-чил, Оқ тонгларга ишора, тийра оқшомлар чил-чил, Юракни қора қилган танбал айёмлар чил-чил, Бобурнинг пок суврати, сийрати – “Бобурнома”.

Ёлғизгина кўнглимдир, маҳрами асрор, надим, Тоғларни чўктирса ҳам, дилдаги фарёд-дардим, Не бало келса сенга, борики мен кўтардим, Бобурнинг жасорати, қудрати – “Бобурнома”.

Ростин айтсам, кўнглимни, мингта ҳикоя бўлғай, Дарду армоним – Бобур, қайда ниҳоя бўлғай, Оқибат ёлғиз иймон – кўрғон, ҳимоя бўлғай, Бобурнинг шон-шавкати, давлати – “Бобурнома”.

ВАТАН ХАЁЛИ

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар, Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фиروق, ҳасратлар, Руху жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар, Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли – Бобур.

Бори элга яхшилик қилмоқ надиб, билдик биз, Сиз Ҳинд сори кетдингиз, сиз сориға елдик биз, Сиз Ватанга келдингиз, сиз томонга келдик биз, Оҳ, бунчалар ёруғдир Ватан хаёли, Бобур.

Ватандан мужда келса, айтинг қанда жон қолди – Ширин қовун таъмидан на-да танда жон қолди, Самарқандда дил қолди, Андижонда жон қолди, Бир мард юрт деб йиғласа тутгай уволи, Бобур.

Киши ғариб кўнглини тушунгадир ғурбатда, Ғурбат – бу ғариблиқдир, ғам-андухдир, албатта, Инсон билмас не сир бор, дунё деган турбатда, Идрок этдим, бу кимнинг жавоб-саволи, Бобур.

Тўхтамайди Жайхундай сўзи – ҳаёт китоби, Ҳар кўнгилда мавж урар, унинг шиддат, шитоби, Маҳшаргача янграғай ҳақ йўлида хитоби, Шундан доим баланддир дарду иқболи, Бобур.

Айтган билан тугамас, жон-жонимнинг жон сўзи, Ватаним, миллатимнинг ҳар ўғлони, ҳар қизи, Ҳазрат боболаримнинг қутлуғ, муборак изи, Ҳумоюн ҳам Гулбадан, Комрон, Ҳиндоли Бобур.

Маним ёниб айтганим бир хатти жаҳон бўлғай, Бўйи кўкка етган сарв, тик қадди жаҳон бўлғай, Пойдевори мустаҳкам, зўр садди жаҳон бўлғай, Жаннатлардан хуш насим – юртим шамоли, Бобур.

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар, Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фиروق, оҳ хатлар, Руху жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар, Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли – Бобур.



минг 680 ўринли мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилган. Енгил саноат корхонаси, ипотека маркази ташкил этилган.

Ташриф бошланган кунлари расмий манбаларда ёритилган ушбу маълумотларда келтирилганидек, мазкур ҳудудда иншоотлар йўли, электр энергияси, табиий газ, сув, иссиқлик каби зарур тармоқлар билан таъминланган. Ичимлик суви етказиб бериш учун сиғими тўрт минг метр куб бўлган сув сақлаш ва узатиш иншооти ишга туширилди. 19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, бута ва гуллар экилди. Амфитеатр, дам олиш жойлари, декоратив йўлақлар, кафелар, болалар ўйингоҳи, ёритиш тизимларига эга бўлган боғ Янги Андижоннинг кўрки бўлади.

Бу ердаги “Ватанпарвар боғи” катта рамзий маънога эга. Боғдаги “Ватанга қасамёд” монументи, музей, концерт ва томоша майдонлари меҳмонларда катта таассуротлар қолдиради.

Лойиҳа кўлами кенг. Ҳудуднинг 1 минг 439 гектарида 2 мингта кўп қаватли турар жой қад ростлайди. Шунингдек, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1 минг 820 гектарда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Қурилишлар битгач, бу ерда 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшаши мумкин бўлади...

Ушбу рақамлар ортида қанча маблағ ва заҳматли меҳнат ётганини англаш қийин эмас, албатта. Чунки бундан беш-олти йил худди ана шу ҳудудларга келган одам бугун шу жойларни кўрса, кўзларига ишонмайди. Негаки, жуда қисқа муддат ичида улкан қурилиш майдонига айланган ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ҳар қанча мақтаса арзигулик. Ишонмасангиз, Андижонга келинг, кўринг, томоша қилинг!

Яна бир эътиборли жиҳати, юқорида таърифланган жойда Президентга янги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари ҳам тақдимот қилинди: Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи таъмирланади, Янги Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади!

Давлат раҳбари мазкур лойиҳалар билан танишаётиб, улуғ бобомиз ҳазрат Бобурнинг сиймосини ҳаққоний акс эттириш, атрофини Бобурийлар мероси бўйича тематик паркка айлантириш юзасидан фикрларини билдирди.

Ниҳоят, Шавкат Мирзиёев Янги Андижон деб аталган ҳудуддаги Янги Ўзбекистон боғида ўтказилган халқ сайлида сўзга чиқиб, шундай деди: **“Шу ўринда кўпдан буён ўйлаб юрган бир ташаббусни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман. Ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллитимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждодимиз – Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига – Бобур шаҳри деб ном берсак, нима дейсизлар?”**

Ушбу тарихий тақлиф айтилганида, нафақат Андижон аҳли, балки, барча ватандошларимизнинг бошлари осмонга етгани аниқ. Ҳазрат Навоий бобомиз номидаги вилоят ё шаҳри ёнида энди муаз-

Ҳеч шубҳасиз, қомусий билим ва тафаккур эгаси бўлган бу мумтоз аждодимизнинг биргина “Бобурнома” асари учун ҳам унинг шарафига мана шундай гузал шаҳарчани бунёд этсак арзийди!

Дарҳақиқат, шундай. Андижондаги шукуҳли учрашув, унутилмас суҳбатлар ҳақида сўз юритарканмиз, беихтиёр бундан уч йилча бурун ижодкор дўстлар билан Бобурийлар сулоласи уч ярим асрга яқин ҳукмронлик қилган замин “ҳинд сори юзланган” маҳалимиз ўзимиз шоҳиди бўлган воқеалар эсга тушади. Варанаси шаҳри ўртасидан оқиб ўтувчи Ганг дарёси қирғоғида жойлашган қадимий обидаларни томоша қилаётганимизда миқтигина, қотмадан келган сермулозамат, шаҳардаги ягона гид-таржимон Ражат Верма Будда дини ибодатхоналари ва осори атиқалари ҳақида ҳушйб сўзлаётганида... нигоҳимиз ана шу ҳашаматли бинолар орасида алоҳида ажралиб турган катта масжидга тушди-ю, унинг тарихи ҳақида сўрадик. Бийронгина сўйлаётган йигит бир зум жим қотди. Сўнг мезбонлардан бирига ўз тилида нимадир деди. Бизларга юзланди-да, “Бобурий подшоҳ Аврангзеб қурдирган экан, асл ҳолича сақланган бундай иншоотлар жуда кўп, лекин маълумотлар кам”, деди.

Барибир дунёнинг бир четида ўзимизнинг ёвқур ва жасур аждодларимиз бино қилган қўҳна осори атиқаларнинг ҳамон сақланиб келаётгани кўнгилга ўзгача фахр бағишлар экан. Табиийки, бу сирли ва сەҳрли замин халқ қалбида улар ҳақида турли иштибоҳ, мулоҳазалар бўлмоғи шубҳасиз.

Энг қизиғи, таржимон ёнгинамизда бизларга ҳамроҳлик қилаётган полиция вакили, ҳинд мусулмонларидан бирининг айтган дил сўзларини таржима қилганида ғоят суюндик: “Ибн Сино, ал-Фарғоний, ал-Бухорийдек улуғ зотлар билан сизлар қанча фахрлансангиз, бизлар ҳам шундай фахр тузимиз. Қанийди имкон бўлса, сизлар яшаётган улқалар, айниқса бобомиз Бобур ҳазратлари туғилган гўшаларни зиёрат қилсак, армонимиз қолмас эди”...

Кўряписизми, сизу биз яқин ўтмишимизда минг ҳадиқ ва хавотир билан тилга олган боболаримиз ўзга элларда қай даражада қадрланади, эъзозланади. Минг шукрки, истиқлол шарофати туфайли ўзларининг буюк хизматлари билан инсоният тарихида муборак номлари битилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек шахслар абадиятга дахлдор эканлиги тан олинмоқда. Бунга Андижонда айтилган самимий эътирофлар исбот эмасми?

Шу ўринда Бобур ҳазратлари ҳақида кеча ва бугун битилган ҳаққоний ҳақиқатларга эътибор беринг:

Таниқли адиб Хайриддин СУЛТОНОВ қаламига мансуб “Бобурийнома” маърифий романида шундай сўзлар бор:

“...Ўн икки ёшидан кейин Рамазон ҳайитини бир ерда икки бор қарши олмоқ унга насиб этмади – умри мудом от устида, жангу жадалларда, сиёсат гирдобларида ўтди. Гарчанд маърифатли мурғак кўнгли илму зийё сари парвонадек талпиниб турса-да, тақдир унга на Бухорои шариф мадрасаларида, на Бағдод Байт ул-ҳикмаларида тахсил кўрмоқликини



мад Бобур энциклопедияси нашр этилди, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” номли беш жилддан иборат библиографик мақолалар тўплами дунё юзини кўрди. Бобурнинг танланган асарлари – “Бобур куллийёт”и олти жилдда мужассамлаштирилди. Шунингдек, “Бобур ва жаҳон маданияти”, “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи” музейлари барпо этилди, “boburid.uz” халқаро бобуршунослик илмий электрон платформаси яратилди. Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш, тарғиб этиш йўлида самарали фаолият юритаётган фонднинг 30 га яқин халқаро бўлимлари очилди.

Юртбошимизнинг ушбу тақлифи қалбимиздаги азалий истагимизнинг рўёби бўлди. Қолаверса, бу тақлиф Бобур авлодиман, деб юрган бутун андижонликларни чексиз қувонтирди. Ушбу хайрли ташаббус, шубҳасиз, юртдошларимиз қалбига фахр-ифтихор туйғусини солади, уларни янгидан-янги марралар сари илҳомлантиради.

Буробия РАЖАБОВА, филология фанлари доктори:

– Буюк шахслар бир-бирларини руҳан, қалбан яхши ҳис қилгани каби шох ва шоир Бобур ҳамда улуғ бобокалони Амир Темури ўртасида юз йилга яқин тарихий масофа бўлса-да, у Амир Темури ҳар томонлама тўла ҳис қилган ҳамда у каби сиёсий хушёр ҳукмдор бўлишга интилган.

“Islamabad Post” нашри: (Покистон)

“Президент Шавкат Мирзиёев Марказий ва Жанубий Осиё бўйлаб миллионлаб одамларнинг қалбида чуқур акс садо берган қадамни ташлади. У Андижон вилоятидаги янги шаҳарга Бобурийлар салтанатининг буюк асосчиси, ҳам ўзбеклар, ҳам покистонликлар учун суюкли тарихий шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилишини маълум қилди”.

Ҳўсан РИШОНОВ, “Маърифат” газетаси бош муҳаррири:

– Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек бошқа ҳам шох, ҳам шоирлар ҳаёт йўли хорижда кўп ва хўб ўрганилмаган. Бунинг сабаблари жуда кўп. Энг асосий сабабларидан бири, Бобурнинг ҳеч кимни аямаганлиги. Муваффақият, мағлубиятлари, ҳатто отаси, яқинларини аямагани, қон-қариndoшларини ҳам танқид қилгани билан диққатга сазовор. Ўзининг қусурларини ҳам яширмай санаган. Бобурни кўпинча ижодкор сифатида кўз олдимизга келтирамиз. Лекин у биринчи навбатда сиёсатчи ва ҳақиқий лидер.

Насиб этса, яқин ойларда дунё харитасида “Бобур шаҳри” деган ёзув пайдо бўлса ҳеч ким ажабланмайди. Аксинча, ўзгача меҳр-муҳаббат ва ғурур ила “Заҳириддин Муҳаммад Бобур юртига хуш келибсиз” дейишга минг қарра ҳақлимиз.

Норқобил ЖАЛИЛ

Ҳар сафар ўзимиз яшаётган ер тақдир ҳақида ўйласак, негадир кўз олдимизга турли статистик маълумотлар келаверади: тасаввур қилайлик, шу вақтгача бетиним равишда ўрмонларни кесдик, унда яшовчи жонзотларни қирдик, ҳар тарафни чиқиндилар билан тўлдириб, нафас олиб турган ҳавомизни ифлослантирдик, етмаганига тобора камайиб бораётган ичимлик сувини ҳам исроф қилишдан тийилмаяпмиз. Лекин ҳамон хулоса қилишга шовилмаяпмиз. Нега? Нима учун?

Маълумки, инсонларни атроф-муҳитга эътиборли бўлишга чақириб, уни асраб, муҳофаза қилиш учун халқро микёсда хайрли ҳаракатлар бошланганига анча бўлган. Хусусан, 2009 йилда БМТ ассамблеясининг 63-сессиясида 22 апрель кунини “Халқаро Ер куни” сифатида нишонлаш ташаббуси ана шундай долзарб тақлифлардан бири бўлган, дейиш мумкин. Зеро, бу кунни нишонлашдан мақсад – дунё жамоатчилиги эътиборини долзарб экологик муаммоларга қаратиш, уларни ҳал этишда амалий ишларга ундаш, шунингдек, яшаётган она заминимизни, жумладан, мавжуд ер майдонларимизни асраб-авайлашдан иборат.

Таҳлилларга кўра, АҚШ 1934 йилда, Германия 1997 йилда, Россия 1998 йилда, Украина 2003 йилда, Тожикистон 2009 йилда, Қирғизистон 2012 йилда, Хитой 2019 йилда, шунингдек, МДҲ давлатлари 2007 йилда тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш бўйича модулли қонун қабул қилган. Мазкур қонунлар уларга махсулот этиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунга кўра, мамлакатимизда 2024 йил 2 февралдаги “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга, муҳим ҳодиса бўлди, дейиш мумкин.

Бинобарин, ушбу ҳужжат билан тупроқнинг унумдор қатламини сақлаш ва ерларни рекултивация қилиш, тупроқнинг ҳолати ва сифатини баҳолаш нормалари, ерни ўрганиш, тупроқ хараиталари, унга оид маълумотлар фонди ва мониторингини шакллантириш, ер-

ни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотларга кенг йўл очилди.

Аслида, юртимизда истиқолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ер масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада ислохотлар чуқурлаштирилди ва соҳага доир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва ер муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Глобал микёсдаги иқлим ўзгаришлари натижасида қурғоқчилик, ерларнинг шўрланиши ва эрозияга учраш даражаси ортиб бормоқда. Натижада қишлоқ ҳўжалиги ерларининг ҳажми камайиб, сифат ва унумдорлиги пасайиб бормоқда. Қолаверса, дунё демографиясининг ортиши ва турли низола озиқ-овқатга бўлган талабни янада кучайтирмоқда. Шунга кўра, халқаро озиқ-овқат муаммосини ечиш, фойдаланиш учун чекланган тупроқ ресурсларининг самарадорлигини кўтариш, ер мулкдорлари ва ижарачиларининг қишлоқ ҳўжалиги ерларидан интенсив фойдаланишга инвестиция киритиш, ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш имкониятларини яратадиган рақамли тизимни шакллантириш кун тартибига чиқмоқда.

Аграр соҳада ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”, “Дехқон ҳўжалиги тўғрисида”, “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”, “Яйлов тўғрисида”, “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг

унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари томонидан маъқулланди.

Мулкчилик шаклларининг ўзгариши, тупроқшунослик ва ердан фойдаланишга оид саводхонликнинг ортиши ҳисобига халқимизнинг ерга муносабати тубдан ўзгарди. Бугун давлат ҳам, эл ҳам ерга ярим аср аввалгидек беписанд муносабатда эмас, унга чинакам миллий бойлик, ризқ-рўзимиз манбаи сифатида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, суғориладиган майдонлар 4,28 миллион гектарга тенг. Бу ерларда ҳақиқатан ҳам республикаимиз бўйича ялли қишлоқ ҳўжалик махсулотларининг 95 фоизидан ошқироғи этиштирилмоқда. Буни, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг олтин фондига қиёслаш мумкин. Негаки, иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳолининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабини қондириш, саноат тармоқларини муҳим хомашё билан қамолатли таъминлаш бевосита ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлашга боғлиқ.

Маълумотларга кўра, ҳозирда она сайёрамизда 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилиб, ҳар йили уларнинг 6-7 миллион гектари яроқсиз ҳолга келиб қолар экан. Ачинарли жиҳати шундаки, бугун дунё бўйича суғориладиган ерларнинг деярли 40 фоизи турли даражада шўрланган. Афсуски, бу кўрсаткич камайиш ўрнига тобора ошиб бормоқда.

Шунингдек, ер тўғрисидаги қонунчилик-

нинг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, ҳўжалик юри-тишининг барча шакллари-ни тенг ҳўқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳўқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш ва коррупцияга оид ҳўқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатлиги белгилаб берилди.

Ер тўғрисидаги қонунчилик энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало, суғориладиган майдонларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган тартибда фойдаланиш билан бирга экологик хавфсизлигини таъминлаш, ерга эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллари-нинг хилма-хиллигини қонуний ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш каби асосий принципларга асосланади.

Энг асосийси, ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ўзгариши ҳисобига халқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган суғориладиган ерларга бўлган эътибор тобора кучайиб, моддий манфаатдорлик ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Айниқса, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги, мамлакатимизнинг



Рисқул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳли, балки бутун Ўзбекистон халқининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги ва сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, соҳага оид ислохотларни жадаллаштириш, ер муносабатларини тартибга солиш, республикаимизда мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги майдонлари, айниқса, суғориш унумдорлигини ошириш, энг муҳими, ерларни талон-тарож қилишнинг олдини олиш мақсадида тегишли қонунларни қабул қилиш, хусусан, ер тўғрисидаги қонунчиликка оид босқичма-босқич ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бориш зарур.

Парламентнинг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ер ислохотларини жадаллаштириш, ерга бўлган муносабатни тартибга солиш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса йил сайин кучайиб бораётган деградациянинг олдини олиш, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш бўйича тегишли қонунларини қабул қилиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича мунтазам равишда изланишлар олиб бориляпти.

КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ВАКИЛИМИЗ

ҲАР КИМНИНГ ВИЖДОН ИШИГА АЙЛАНМОҒИ КЕРАК

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (17 ёшлилар)нинг Осиё кубогидagi ғалабаси қитъамиздагина эмас, балки бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлди. Қўлга киритилган тарихий ғалабадан сўнг ҳалигача мухлислар ҳаяжони, эҳтироси босилгани йўқ. Улар томонидан ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрларни кузатсангиз, ғалабага сабаб бўлган кўплаб омиллар орасида, ёшларимизнинг маҳорати, матонати, жасорати, фидойилиги билан бир қаторда, ўзбек футболда сўнгги йилларда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳада коррупцияга йўл қўймаслик бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бундай қувончли ғалабаларнинг бош омилли эканлиги ҳақидаги фикрлари ҳам бот-бот тилга олинмоқда.

Бу фикрга қўшилмасдан иложи йўқ. Чунки узок йиллар давомида “яшил майдон”-дан ташқаридаги коррупцион ҳолатлар, келишилган ўйинлар, таниш-билишчилик ва бошқа иллатлар “миллионлар ўйини”нинг ривожланишига тўсиқ бўлиб келаятган эди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг эътибори билан соҳада янгиланишлар бошлангандан сўнг, муваффақиятлар ўзини кўп куттирмайпти. Демак, соғлом муҳит яратилса барча соҳаларда ана шундай юксак натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Жорий йилнинг 5 март кунин Президентимиз иштирокида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юртимизда бу иллатдан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга танқидий баҳо берилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Давлат раҳбари коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлаб, мазкур иллатга “жамият танасидаги саратон” деб таъриф берган ва кенг жамоатчиликка мурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш умумийлиги вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртодошимизнинг виждон иши эканини таъкидлаган эди.

Айнан ушбу йиғилишда айтилган фикрлар, илгари су-

рилган ташаббуслар одамлар орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Тўй-маъракаларда, ўзаро суҳбатларда бош мавзуга айланди. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда коррупцияга қарши курашиш юзасидан таниқли мутахассислар, жумладан, кўплаб депутатларнинг фикр-мулоҳазалари кенг ёритилди. Бу нохуш ҳолатни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ўртага ташланди.

Айниқса, фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги тажрибалари шунини кўрсатмоқдаки, ушбу хавфни бартараф этишда, жазо чоралари билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишларининг ҳам ўрни катта.

Дарҳақиқат, авваламбор, кўпчилик кўниккан тушунчаларни кескин бартараф этмасдан, бу хатарли ишга қарши муваффақият билан курашиш қийин. Афсуски, ҳали ҳам бирор муаммони ҳал қилишда “кимнингдир оғзини мойлаш зарур” деган тушунчага эга одамлар ҳам кам эмас. Айниқса, бундай нохуш

ҳолатлар маиший соҳаларда яққол кўзга ташланади. Оддий мисол, туғруқхонадан янги туғилган чақолқни олиб чиқишдаги “узат-узат”лар ҳақида кўпчилик нолиб гапиради. Бундай кезлар, бировнинг пул талаб қилишга ҳаққи йўқ”, деган инсоннинг гапи оғзида қолади. “Бирок, пул талаб қилгани йўқ. Ўзбекчилик, кўпнинг ёмони бўлмай, дедим”, деган жавобларни ҳам эшитамиз. Аслида суюнчи деб совға, пул бериш орқали ўзи ҳам жиноятга шерик бўлиб қолаятгани ҳақида ўйламайди.

Биргина шу мисол ҳам коррупцияга қарши курашиш оддийгина “кампания” билан чекланиб қолиш керак эмаслигини, самарага эришиш учун турли йўналишларда доимий иш олиб бориш лозимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Жорий йил 21 апрель кунин Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлиномалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари, устас фондиди (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган ҳўжалик жамиятларидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлиномаларининг



Шерзод МАМАТҚУЛОВ,
О'зЛиДеР Жазззах вилоят
кенгаши раисининг биринчи
ўринбосари – аппарат раҳбари

устувор вазифалари этиб белгиланди.

Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, ушбу иллатга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омилларни батамом йўқотиш, маиший коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, рақамлаштириш, бюрократияни қисқартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва яқунлари бўйича аниқланган коррупциявий нормаларни бекор қилиш бўйича тақлиф киритиш шулар жумласидан.

Айни пайтда, коррупцияга қарши курашишда парламент, Миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилмоқда. Эндиликда, айнан

ҳудудий кенгашлар коррупциявий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга тақлиф киритиб боради. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш йўналишида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ҳам катта ишонч билдирилмоқда.

Бу эса партияимиз тизимида фаолият юритаётган барча бўғиндаги фаоллар, депутатларга ҳам алоҳида масъулият юклаши табиий. Бундай юксак ишонч маҳаллий вакиллик органларининг ижро ҳокимиятидаги нуфузини ошириш, маҳаллий кенгашларни халқнинг чинакам овозига айлантириш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича ўз олдимизга қўйган вазифалар рўёбига хизмат қилади.

“ОБОД”НИ ОБОД ҚИЛАЁТГАН ДЕПУТАТ



У 26-Тараққиёт сайлов округида маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва тегишли мутасаддилар билан бамазолаш ҳолда, бир талай ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ечим топмоқда. Ана шундай хайрли ташаббуслардан бири Наманган шаҳридаги Обод маҳалласида жойлашган мактаб йўлини ободонлаштириш билан боғлиқ. Бир қарашда оддий бўлиб кўринган бу иш анчадан бери ечимини излаётган эди-да. Салкам бир қақиримча келадиган йўл ёғин-сочинли кунларда лой, иссиқда эса чангли бўлгани учун ўқувчилар қийналишар эди. Ниҳоят бу йўлга ҳозирча шағал тўқилди, насиб этса асфальтлаштириш ҳам кўзда тутилган.

О'зЛиДеР вакили Обод маҳалласи аҳлини ўйлантираётган оқова сувларни тозалаш, яъни дренаж тизи-

ми билан боғлиқ муаммони ҳам жиддий ўрганиб чиққач, тегишли ташкилотларга мурожаат йўллади. Қолаверса, Оқ Олтин кўчасидаги қайта тиклашга эҳтиёжманд уйлар, Илғор кўчасидаги асфальтланмаган йўл ҳам ноибнинг кўмагида таъмирланганди бўлди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, Зокиржон Ҳўжаев Қадамжо маҳалласидаги ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлиб, ҳудуд инфра-тузилмасини яхшилаш учун ажратилган 2 миллиард 800 миллион сўмлик маблағнинг мақсадли сарфланиши ва ишларнинг сифатли бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига ҳам эришди.

О'зЛиДеР Наманган
вилояти
кенгаши матбуот хизмати



ТУЗОҚ, АЛДОВ ВА ЖАЗО

ЁХУД ФИРИБГАРЛИК ОРТИДАГИ “ЎЙИН”ЛАР

ОЙНА

Яқиндагина ижтимоий тармоқда навбатдаги фирибгар қўлга тушгани ҳақида ёйинланган хабарни ўқиб... ёқамни ушладим. Нима эмиш, ўша товламачи бир фуқарога олий ўқув юртининг учинчи босқичи талабаси бўлишни ваъда қилиб, келишилган пулни олаётганида қўлга тушган эмиш!?

Тўғри, фирибгарликнинг турли-туман йўллари, усуллари ҳақида бот-бот тарқатиладиган хабарларга кўзимиз тушиб туради. Уларда одатда кимнидир ишга киритиш, чет элга ишга юбориш ёки судда жазосини енгиллаштириш эвазига пул олаётганлар қўлга тушгани ҳақида гап боради. Енгил, маши мўлроқ ишга киришни, Европа ёки бошқа ривожланган давлатларда иш топишни орзу қилганларни табиий тирикчилик ташвиши ўрнида қабул қилишни тушуниш мумкин. Лекин қандайдир жиноят содир қилиб, ана шу қилмиши учун қонунларда белгиланган жазонинг осонроғини олишни хоҳлаган ва шу “савобли иш”га бош қўшган кимсаларни мутлақо оқлаб бўлмайди.

Кимгадир бизнеси учун имтиёзли кредит ажратиш ёки давлатга қарашли ер майдонларини ноқонуний сотмоқчи бўлган амалдорлар, ҳоким ёрдамчиларию ўринбосарларининг пора олаётганда қўлга тушгани билан боғлиқ ҳолатлар ҳам фирибгарлик деб малакаланади. Аслида эса булар воситачиликнинг бир турига киради.

Барибир биринчи тилга олинган воқеа, яъни “фирибгарлик иши” жуда ғалати ва ачинарли. Олий маълумот эгаси бўлишни орзу қилган одамнинг ўроқда йўқ, машоққа йўқ, бир юмалаб ОТМнинг биринчиси, тагин учинчи босқич талабаси бўлиши... ҳеч ақлга сиғмайди! Хўш, ўша муттахамнинг дасти узун таниши ҳам бор дейлик, лекин барча дастурлар компьютерлашган замонда бирорта имтиҳон ҳам топширмасдан ўқишга киришни шахсан мен тасаввуримга сиғдирилмаяман. Энг қизиқ томони, ана шу “иш” учун пул-пора беришга қўнган одамнинг ақли бутунмикан ўзи, деган шубҳага борасан киши.

...Етти йил олдин жияним енгил машина оламан деб бир каззобга чув тушди. “Уч ойда оласиз”, деган ёлғон ваъдасига ишониб, ўзи ва укаси учун жами 27 минг АҚШ долларини қўли билан қўртдай санаб бериб, ортидан қанча сарсон бўлди. Айтилган мuddатдан сўнг, ҳалиги “ҳожатбарор салон соҳиби” қўл телефонини кўтармай қўйибди. Уйланг, икки марта Хоразмдан водийга бориб-келишни, йўл азоби, устига-устак харажат... Кейин маълум бўлдики, чув тушган битта бизнинг жиянлар эмас экан, уларнинг сафи кенгайиб кетди. Охири ҳуқуқий органлар саёй-ҳаракати билан ҳалиги фирибгар давлат чегарасини кесиб ўтаётганида ушланди ва маҳкамага тортишди. Тергов жараёнида у ўн бир фуқародан жами 169 минг АҚШ долларни олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани аниқланди ва суд томонидан етти йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳукмда товламачига “жабрдийдалардан олган пулларини қайтариб бериш мажбурияти юклангани” ҳақида банд бор эди. Энг даҳшатлиси, унинг номида ақалли битта енгил машинаси ҳам йўқ, ҳатто икки қаватли уйи ҳамда бошқа кўчмас ва



кўчар мулкларининг бари онасию аёлининг номида экан... Олти йилда “яхши хулқ-атворага эгалиги учун” қамоқдан чиқди. Бу ёқда эса ўн бир киши йиллаб йиққан пулларига қуйиб қолаверди!

Фирибгарликнинг ушбу туридан азият чекканлар, минг афсуски, орамизда камайиш ўрнига кўпайиб бораётгани янада хавотирлидир. Хайрон қолади одам, куну тун ОАВ, ижтимоий тармоқларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан шунга ўхшаш жиноятларни содир қилаётган шахсларнинг кирдикорлари ҳақида қанча хабарлар тарқалаяпти, кўряпмиз, эшитяпмиз, лекин яна уларнинг эртанамо ёлғонларига ишониб, алданиб юрибмиз. Нега кўзимиз очилмаяпти, нега огоҳ бўлмаймиз?

...Хонқалик мебелсоз тадбиркор иш фаолиятини кенгайтириш, замонавий дастгоҳ ва ускуналар харид қилиш истагида тижорат банкидан йирик миқдорда кредит олмоқчи бўлади. Банк бу кредитни фақат ўша дастгоҳ ва ускуналарни етказиб берадиган ташкилот ҳисоб рақамига ўтказиши мумкинлигини айтгач, тадбиркор интернетдан Бухорода айни шу фаолият билан шуғулланадиган фирмани топиб, масъуллари билан ўзаро шартнома тузгач, банк кредитни ўтказиб беради.

Бу тадбиркор расман давлат рўйхатидан ўтган, муҳр ва бошқа ҳуқуқий рамзлари бор фирма – охир-оқибат навбатдаги фирибгарлардан бўлиб чиқишни тушида ҳам кўрмагани аниқ.

Суд маҳкамасида ўша фирманинг етти тадбиркордан расмий шартномалар асосида бир миллиард сўмдан ортиқ пуллари олгани ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборга-

ни маълум бўлди ва фирма эгаси етти йилга қамалди. Бир дунё эзгу мақсадларни кўзлаб иш бошлаган юртдошимиз эса банк кредити эвазига икки қаватли мебелсозлик цехини топириб, хорижга ишлаш учун кетди...

Кузатсангиз, ҳар куни турли телеграмм каналларида “Фалон шаҳарда 30 ва ҳатто 40 миллион сўмлик маош эгаси бўлишни хоҳлайсизми?” қабилидаги эълонларга кўзингиз тушади. Улар билан боғлансангиз сиздан тегишли маълумотларни сўрашдан олдин “айрим ҳужжатларни расмийлаштириш учун фалон сўм тўлов қилишингиз кераклиги” эслатилади. Тўлови ҳам оз эмас. Ойига оладиган маоши миқдорининг ярмича пули чиқишига аксар фуқаролар рози бўлиб, пул ўтказиб ҳам беришади ва кейин... кўрасизки, пул ҳам йўқ, ўша катта маошли иш ҳам.

Ҳуқуқ-тартибот органлари сўнги вақтларда интернетда турли фирибгарлар пайдо бўлганидан аҳолини муттасил огоҳлантирмоқда. Бундан ташқари, одамларга ўзини “фалон идораданман”, деб таништириб (аксар ҳолларда ҳуқуқ органлари номи тилга олинади) кўрқитиш ёки алдов билан чув тушириб кетиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Ёки “қайсидир акцияда катта пул ютуғи чиққанини суюнчилаб” абонентнинг шахсий маълумотларини қўлга киритиш орқали пластик карталардан пуллари ечиб олаётган фирибгарлар ҳам кўпайган. Табиийки, ижтимоий тармоқлар чегара билмайди. Юртдошларимиз ҳисобида салкам йигирма миллион дона қўл телефони борлигини эътиборга оладиган бўлсак, шахсий суҳбатларни назорат қилиш имкони йўқ. Демак...

Исталган кўринишдаги фирибгарлик тузоғига тушмас-

ликнинг биринчи ва асосий йўли – фуқаролар ҳушёрлиги! Миллатимизга хос ишонувчанлик, соддалигимизни баъзан бир четга суриб қўйишга мажбурмиз.

Ўтган йили қўшимиз яп-янги скутер харид қилди. Уловга пулни қардан олганини сўраганимда “Урганчада бир фирма очилибди, ҳисоб рақамига қанча доллар ташла-сангиз, бир ҳафтадан сўнг икки ҳисса қилиб қайтарар экан. Шунга 500 доллар ташлагандим, минг доллар қилиб қайтариб берди. Беминнат топган пулга олдим-да”, деди оғзи қулоғига етиб. Унга бу “пирамида шаклидаги фирибгарлик тузоғи” бўлиши мумкинлиги эканини тушунтиришимиз бекор кетди. Ниҳоят “Йил якунида бир ҳафталик катта акция ўтказилляпти: минг доллар ташлаганларга пули уч ҳисса қилиб қайтарилади!” деган эълон беришади ва ҳалиги йигит бу ёлғон рекламага чиппа-чин ишониб, дарҳол икки минг доллар ўтказди. У шу пулни кўпайтириб, бундайроқ енгил машина харид қилмоқчи бўлган. Бошқа танишларини ҳам ундаган.

“Бир ҳафталик акция” аянчли якун топди: етти кундан сўнг кўпчиликини ўз “қопқони”га туширганлар ижтимоий тармоқларни “тарк этди”. Яна ҳуқуқбонлар кўмаги билан ушланди. Маълум бўлишича, бир ҳафталик фирибгарлик “акция”сида юз миллион долларга яқин маблағни пул топиб, ақл топмаган лақма одамлар уларга қўшқўллаб тутқазган экан. Алалоқибат, ана тергов, кейин суд ва жазо! Лекин ҳалиги содда, ишонувчан кишиларнинг пулига қуйиб қолгани етмагандек, ҳар қандай бойликка-да топилмайдиган саломатликларини йўқотгани-чи? Бунинг учун ким жавоб беради?

...Машхур масалда “Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим...” деган сатрлар бор. Фирибгарлар ҳам айнан фуқароларнинг кўнгли бўш, лақма қатламини ўз тузоқларига илинтиради. Улар шу даражада пихини ёрганки, асти қўяверинг, керак бўлса профессионал психолог, кўзбойлағичлар ҳам ип эшолмайди.

Яқинда ҳув ўша хонқалик собиқ тадбиркор йигит билан кўришиб қолдик. “Еттига ишбилармоннинг бир миллиард маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ўша фирма эгаси қамоқдан чиқибди. Афсуски, бизлар ундан сариқ чақа ҳам ундиролмадик. Менимча, бундай касларни етказган зарарлари тўла қопламағунча қамоқдан озод қилмаслик тўғрисида қонун ишлаб чиқиш вақти келди. Қанчасини биламан, бирортасининг номида на тайинли маблағ бор, на уй-жой, мол-мулк. Чунки улар билади қачондир жазоланишини, қамалишини. Икки дунёда ҳам бундай кимсалар тузалмайди. Озодликка чиққанидан кейин яна ўша иблисона ҳаракатини давом эттириверади-да. Демак, жазонинг бундай самарасиз усули ўзини оқламаяпти, балки бошқаларни ҳам керак бўлса шундай хатарли йўлларга бошламаслигига кафолат йўқ”, – дея куйиниб гапирди.

Ҳаёт эса ўз йўлида давом этмоқда, вақт ҳам кутиб ўтирмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам огоҳ бўлмоғимиз шарт. Бугун ҳар қадамда сизу бизни оғир ва енгил ташвишлар ҳамда ўз навбатида хушнудга тўла қувончли воқеалар, янгиликлар ҳам кутиб турибди.

Рўзимбой ҲАСАН

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

МАҲАЛЛАДАН ТУМАН-ШАҲАРГА!

Мамлакат иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик ва бизнес кўникмаларини ўргатиш давр талабига айланган. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан 10-мартга ўтказилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг маҳалла босқичи қизгин давом этмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшаб, тадбиркорлиги ортидан маҳалладошларини иш билан банд қилиб келаётган, иқтисодиётга ўз ҳиссасини қўшаётган 64 нафар хотин-қиз мазкур танлов шартлари бўйича маҳсулотлар кўргазмасида қатнашди. Ҳалиларни аниқлаш осон кечмади. Чунки улар эртага туман босқичида ҳам бешлашади-да.

Хўш, шундай ишончга кимлар сазовор бўлди, дейсизми? Умида Ғозилова, хунарманд, 16 йилдан буён фаолият юритади. 100 дан ортиқ шогирди бор. 40 нафар аёлни иш билан таъминлаган. Хо-

рижий давлатларда кўргазмалари билан иштирок этган. Оля Миксик қўл меҳнати, яъни бош кийимлар тиқиш билан шуғулланади. Қатор танловлар ғолиби бўлган. Гулбаҳор Пирмуҳаммадова “Magic of suzani” бренди асосчиси, 16 йилдан буён миллий матолардан замонавий либос ва совғабоп ашёлар тайёрлаб сотади. Марина Николаевна замонавий кўғирчоқлар устаси. Унинг яратган қаҳрамонларини хорижликлар ҳам билишади. Беш нафар аёлни иш билан таъминлаган. “Etno style” бренди асосчиси Светлана Алаева эса миллий ва замонавий сумкаю либослар тиқиб даромад топаётир. Туркия ва Абу-Дабида ўтган кўргазмалар иштирокчиси. Энди улар туман босқичида қатнашади.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Оққўрғон туманидаги маҳаллалар саралаш босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Гулшана Худоярова, Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудирлари Севара Муслимова, партия Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев ҳамда туман Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими, “Касбий кўникмалар маркази” мутасаддилари ва бизнес вакиллари иштирок этди.

Танловда 29 та маҳалланинг энг фаол ва илгор тадбиркор аёллари ўзаро беллашишди.

Дастлаб маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилди. Бизнес вакиллари ўз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари, хизматларини ёритиб берувчи альбом ва тақдимотлари, қўл меҳнати буюмлари, қандолатчилик, тикувчилик, тўқувчилик, бадий санъат сингари хунармандчилик намуналарини намойиш этдилар. Танлов якунида иштирокчилар партиянинг ташаккурномалари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зухра МИРЗОҲАМДАМОВА, O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

БАЛЛИ СИЗГА, БУНЁДКОРЛАР

Юртимизда барча соҳалар бўйича аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ изчил ислохотлар қизгин давом этмоқда. Хусусан, қабул қилинаётган давлат дастурлари ижросини ҳаётга кенг таътиб этиш бўйича таълим ва тиббиёт соҳаси билан боғлиқ инфратузилмалар жадал суръатда барпо қилинмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда халқимизнинг кенг қатламини қамраб олишга эришилган “ташаббусли бюджет” дастури бўйича барча ҳудудларда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани қувонарлидир. Бунга жонли мисол сифатида Фарғона вилояти Данғара туманидаги “Бойбўта” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли аҳоли пунктларида электр энергияси таъминотидаги муаммоларга жўяли ечим изланаётганидир.

Бу ерда мазкур лойиҳа доирасида эскирган симёғочлар бетон устунларга ҳамда ёпиқ турдаги махсус муҳофаза-ланган симкабелларга алмаштирилиб, маҳаллаларга қўшимча кўча ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бундай хайрли юмушларни тажрибали қурувчи Мақсуд Каримов бошчилигидаги “QURILISH RIVOJ TMSOL” масъулияти чекланган жамияти жамоаси мuddатидан олдин фойдаланишга топширди.

Шунингдек, Учқўприк туманидаги “Машад” МФЙга қарашли Дўстлик, Истиқлол, Бунёдкор, Гузар кўчаларида яшовчи аҳоли вакиллари ҳам “Fergana avtomat raschot” МЧЖнинг фидойи



хизматчиларини дуо қилишяпти. Чунки ушбу ҳудудда ҳам эскирган трансформаторлар янгиланди, мuddатини ўтаб бўлган ёғочли устунлар бетонларига алмаштирилди.

Яна бир қувончли янгилик Бешариқ туманидаги 1-сонли касб-хунар мактабида нишонланди: яъни “очиқ бюджет” дастурига биноан ушбу таълим маскани ўқувчи ёшларига барча шароитларга эга бўлган спорт соғломлаштириш ва чиқиштириш учун ёпиқ мини-футбол майдончаси қуриб берилди. Ушбу лойиҳани махсус тасдиқланган қурилиш меъёлари асосида “Safros” МЧЖ бинокорлари амалга оширишди.

Бир сўз билан айтганда, кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган бу каби ибратли ишлар Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида изчил давом этаётир.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, “XXI asr” муҳбири

Хизматлар лицензияланган

“СУВОРА”ЛАРНИ ТИНГЛАБ...

Неча минг йиллардан бери мерос бўлиб келаётган “Сувора” айтим йўлларини авлодлардан авлодларга бекаму кўст этказиб келган не-не улуғ ҳофизлар номлари тарих саҳифаларидан ўчиб кетганига гувоҳимиз. Сўнгги хонлик замонларида Қўржи ота, Матпано Худойберган ўғли гўяндалар мумтоз ашула йўлларини янада такомиллига етказишгани ҳам ҳақиқат.



Ўтган асрда воҳада Комилжон Отаниёзов, Мадрахим Ёқубов-Шерозий, Ҳожиҳон Болтаев, Отажон Худойшукуров, Қувондиқ Искандаров, Матназар Худойназаров, Раҳматжон Қурбонов каби санъат дарғалари сахнага чиқиб, ўзига хос мактабларини яратиб кетди. Ана шу улуғ ва аллақачон

сингдириш лозимлиги ҳақидаги ибратли ташаббуслари бежиз ўртага ташланмаганига гувоҳ бўлдик. Чунки бугун ҳаммамиз гувоҳимиз: кўча-кўйдан тортиб, телеэкран ва радио тўлқинлари, муҳташам концерт

муҳлиснинг тўпланмагани ачинарли эмасми? Балки тарғибот ва ташкилотчилик кўнгилдагидек бўлмагандир. Кўрганмиз ахир, одамлар гавжум бўладиган жойларда мабодо текинга бирор егулик ё арзонроқ буюмлар “акцияси” уюштирилса, қандай ур-тўполон бўлганини...

“Сувора”лар тарихи ғаройиб: аслида Сувора – “суворий” деган маънони англатади. Ўзбекистоннинг асосан Хоразм воҳасида кенг тарқалган йирик ашула йўли, Хоразм мақомлари таркибидаги ашула туркумларидир. Авваллари ижрочиларни халқ тилида “гўянда” (айтим-чи) деб атаганлар. “Сувора” сўзининг “суворий” маъносига менгзалиши қизиқ, яъни, обдан кузатилса, бу ашулаларнинг ижро этилиши, ритми, доира усуллари отнинг оёқ товушига ўхшайди. Балки шунинг учунми, муסיқа ижодиётида от билан боғлиқ асарлар жуда кўп яратилган.

“Сувора”ларнинг ҳозирги кунгача бешта асосий йўли ва

бир эътиборга лойиқ жиҳати, “Сувора”лар асосида бугунги кунда Оғабек Собиров, Ўлмас Оллаберганов ва яна бошқа иқтидорли санъаткорлар замонавий эстрада қўшиқлари ҳам яратишмоқда.

Шу кунги сахнага чиққан барча ҳофизлар ижро этган “Сувора”лар катта олқишлар билан кутиб олинди. Масалан, Анвар Бекчонов ижросидаги “Сувораи Комил”ни айтийликми, ёки Қувондиқ Маткаримов талқинидаги “Катта сувора”, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Қаримбой Раҳмонов маҳорат билан куйлаган “Савти сувора”, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлатовнинг сеҳрли овозига ҳамоҳанг тарзда ижро қилинган “Феруз” ва яна бир суюкли санъаткор, халқимизнинг асл ҳофизи Очилбек Матчинов “Хоразм сеғоҳи”ни бошлаганидаёқ сахна эмас, ҳайбатли зал ҳам ларзага келди!

Мумтоз ашулалар ижросини маромига етказа олган



афсонага айланган зотларнинг ворислари бугун катта майдонда чапдаст суворий янглиғ яна ўлмас “Сувора”ларга ҳаёт бағишляётир, десак муболага бўлмас.

19 апрель куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳашаматли Маданият саройида “Хоразм суворалари” концерт дастури бўлиб ўтди. Гўзал ва бетакрор мумтоз санъатимизнинг нодир намуналарини берилиб тинглар эканмиз, Президентимизнинг ҳатто “Шашмақом”ни ҳам болалар боғчасидан бошлаб мурғак қалблар шуурига

залларида ҳам миллий қадриятларимиздан йироқ, оломон руҳиятига мос, қуруқ, енгил-елли қўшиқлар “болалаб” кетаётгани, бу эса халқчил санъат дурдоналарига соя солаётгани, афсуски, кишини хавотирга солмоқда. Кўп бора кузатяпмиз, неча минг ўринли катта саройларда уюштирилаётган айрим “жонсиз” (фонограммага тўла) концертларга чипта топиш қийин, тўғрими? Минг афсуски, мумтоз “Сувора”лар жонли ижрода янграган дастурда нуфуси уч миллиондан ошаётган азим Тошкентда ярим минг ҳам

йигирмага яқин “Савти сувора” ва “Уфори сувора”лари сақланиб қолган.

“Сувора”нинг ашула йўли оддий 2/4 ўлчовидаги доира усулида мумтоз шоирларнинг шеърлари асосида ижро этилади. Энг қадимий “Она сувора” (“Катта сувора” ёки “Тож сувора” деб ҳам аталади), Навоий, Оғаҳий ва Машраб сўзлари билан айтилади. “Сувора”лар Хоразм мақомлари туркумининг машҳур бўлган ашула йўллари саналади. Фарғона водийсида ҳам “Сувора” сурнай чолғу йўллари ҳам кенг тарқалган. Яна

Жуманиёз Жуманиёзовга концерт охиридаётган маҳал яна навбат берилганида минг истихлола билан “Очилбекдан кейин қўшиқ айтиб бўлармикан..?” деган сўзлари юракларни титратиб юборди. Кейин эса одатдагидек, хоразмлик санъат усталари қатнашган давраларда “Лазги” янграмаса барибир кўнгиллар тўлмаслигини ташкилотчилар англабди шекилли, бу гал сурнайда ушбу халқона куй ижро этилди!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

Маънавиятга йўғрилган миллий ҳаракат

Бобом раҳматлининг дипломи йўқ эди. Шу боис умрининг аксар қисми колхозда трактор-комбайн ҳайдаш билан ўтган. Лекин китобни нон каби азиз билиб, оёқ остига ташлаттирмас, ўқиш учун олиниб, ёддан қўтарилган китобларни ҳатлаб ўтишга йўл қўймасди. Аммо уларни кўздан панага яшириб ҳам қўймас, аксинча, атайлаб бизларнинг бўйимиз етадиган, ҳаммага қафтдек кўриниб турадиган жойда сақлар эди. Баъзан фурсат топиб, ўзбек халқ оғзаки ижодига мансуб кўплаб достонларни эринмай ўқиб берарди. Ҳозир-чи?..

Шу кунларда юртимиз бўйлаб давом этаётган “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида ўтказилаётган V Республика “Китобхонлик ҳафталиги”ни кузатиб, беихтиёр ана шундай ёруғ хотиралар ёдимга тушди. Жорий йилнинг 21–27 апрель кунлари бутун мамлакат бўйлаб ўтказилаётган тадбирлар китоб ва мутлоаа маданиятига қаратилган йирик маърифий ташаббус сифатида жамоатчилик эътиборни тортмоқда.

Пойтахтимиздаги муҳташам Анжуманлар саройида бўлиб ўтган ушбу ҳафталиқнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири, сенатор Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, инсон ҳаётида китобнинг тутган ўрни, ёшлар тарбиясидаги роли ва бадий савияни юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги ҳақида фикр билдирди.

Ўзбекистон Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) директори Асаджон Ҳўжаев ўз нутқида сўнгги йилларда нашриёт ва матбаа соҳасида амалга оширилган тўб ислохотлар ҳақида тўхталиб, соҳани эркинлаштириш ва ривожлантириш йўлида муҳим чоралар кўриляётганига эътибор қаратди. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан матбаа ускуналари ҳамда хомашёнинг божхона божии ва фойда солиғидан озод этилиши, қатор ахборот-кутубхона марказларининг янгида қурилиши ёки реконструкция қилиниши, ўз навбатида, мутлоаа учун қулай муҳит яратишини қайд этди.

Ҳақиятчи томони, ҳафталик доирасида болалар ва ўсмирлар адабиётига алоҳида эътибор қаратилиши режалаштирилган. Хусусан, 25–26 апрель кунлари “Паркент ижод уйи”да “Ноширлар ва болалар ижодкорларининг ҳамкорлиги” мавзусида ўтказиладиган



шоир ва адиблар билан мулоқот қилиш ва бой адабий муҳитдан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Қолаверса, ушбу ҳафталик республика миқёсида 1000 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирларни ўз ичига олгани билан ҳам эътиборга молиқдир. Зеро, ушбу лойиҳалар нафақат мутлоаа маданиятини ривожлантиришга, балки ёш авлодда танқидий тафаккур, бадий дид ва миллий ўзликини англаш каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладди.

Шунингдек, “Туркий адабиёт дурдоналари” асарлари тўплами Президент, Ижод мак-



семинарлар айнан шу йўналишдаги долзарб масалаларни муҳокама қилишга хизмат қиладди. Бу йил болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган яна 50 номдаги янги асарларнинг чоп этилиши, мазкур ҳафталиқнинг хайри ҳосиласи бўлади, дейиш мумкин.

Шунингдек, АОКА ташаббуси билан амалга ошириляётган “Буюклар болалиги” лойиҳаси доирасида аллома ва мутафаккирларимизнинг болалик йиллари акс эттирилган бадий асарлар яратилиб, ёш авлодга ибратли ҳаёт намунаси тақдим этилиши мўлжалланган.

Яна бир ғал, “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида китоб савдо ярмаркалари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, 25–27 апрель кунлари Тошкентдаги “Dream Park”, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида ўтказилаётган бу ярмаркалар китоб ихлосмандларига янги нашрларни танлаш, таниқли

таблари, ҳарбий ўқув даргоҳлари, жумладан, Темурбеклар мактаби ва Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицейларига топширилгани бўлажак ватан посбонларининг адабий жиҳатдан баркамол вояга етиши учун замин яратиш билан бирга, улуғ аждодларидан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини ҳам кучайтиради.

Хулоса шунки, “Китобхонлик ҳафталиги” йил сайин бадий ва ахборий меросини тарғиб қилувчи, қолаверса, бутун бир жамяятнинг маданий ва интеллектуал тараққиётига хизмат қилувчи миллий ҳаракатга эврилиб бормоқда. Умид қиламизки, бу ҳаракат кўплаб адабий фестиваллар ва форумларга асос бўлгани ҳолда, мамлакатимизда китобхонлик, илмга бўлган муҳаббат ва ҳурматни йилдан-йилга юксалтиради.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
“XXI asr” мухбири

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадиана БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 445
Адади: 5734
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 20.15

Тахририятга келган кўлэзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ